

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 5 апрель сешанба № 13 (740)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”

Хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқи ҳимояси

мамлакат
тараққиётининг
ишончли омили

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номили маърузасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодийлик либераллаштиришни янада чуқурлаштиришни амалга оширишда зарур бўлган муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилди.

ЮРТБОШИМИЗ томонидан 2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши бежиз эмас. Бунинг республикамизда 2010 йилнинг ўзига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлаб турибди.

Шунинг учун ҳам янги Фуқаролик кодексига мулк ҳуқуқига алоҳида эътибор берилган. Ҳозирги ижтимоий тузумнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда кодекс янги моддалар билан тўлдирилди. Жаҳон қонунчилик тажрибасида тан олинган қоидалар Фуқаролик кодексининг мулк ҳуқуқига алоҳида бағишланган моддаларида мукамал акс эттирилди.

Фуқаролик кодексини ташкил қилувчи барча нормаларнинг, шунингдек, мулк ҳуқуқига бағишланган махсус нормаларнинг мазмунини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36, 53-моддаларида назарда тутилган асосий қоидалар ўз ифодасини топан.

Энди кишилар хусусий мулкдан фақат шахсий, моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашда фойдаланиш билан чекланмай, балки бу мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб қилиш, ўзи учун керак бўлган ишлаб чиқариш қуроллари ҳамда воситаларига эга бўлиш, уларни ижарага бериш йўли билан қўшимча даромадлар олиш каби ҳуқуқларни ҳам қўлга киритди.

Эндиликда мулк эгасига тегишли бўлган мол-мулкнинг турли сабаблар ва йўللار билан давлат идоралари ҳамда мансабдор шахслар томонидан олиб қўйилиши, мулкдан эркин фойдаланиш учун тўқинликлар яратилиши гайриқонуний ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи мустақилдир.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, мақсадимиз иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор вазифаларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолиятининг равнақига ёрдам кўрсатиш, чуқури, айнама мана шу субъектлар иқтисодиётимизнинг юксалишини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Саломат НИЁЗОВА,
ТДЮИ доценти,
Ойбек ГАНИЕВ,
ТДЮИ талабаси



Суратда: “Ташаббус — 2011” кўрик-танловининг республика босқичидан лавҳа
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат

2009 йил 15 май
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

2000 йил 15 июнь
Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни амалга киритилди.

2009 йил 29 июль
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шу сонга хабар

Адлия вазирлигининг “Адолат” жамоаси совриндор

ХАБАР ҚИЛГАНИМИЗДЕК, халқаро хотин-қизлар байрами ҳамда “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан Олимпия заҳиралари теннис мактаби тасарруфидаги “Умид” спорт мажмуасида республика вазирлик ва идораларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида “Аёл ва спорт” комиссияси соврини учун мусобақа бўлиб ўтган.

МУСОБАҚАЛАРДА Адлия вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлардан таркиб топан “Адолат” жамоаси ҳам муваффақиятли катнашди. “Адолат” аъзолари гимнастрада бўйича 1-ўринни, волейбол ҳамда стол теннис бўйича 2-ўринни, дартс ҳамда қувноқ эстафета бўйича 3-ўринни, бадминтон ҳамда шашка бўйича 4-ўринни эгаллаб, жами 11 нафар иштирокчи умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллашган. Шу муносабат билан Адлия вазирлигида жамоа аъзолари вазирлик “Фахрий ёрлиғи” ҳамда совғалар билан тақдирландилар.

Суратда: жамоа аъзоларидан бир гуруҳи.
Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат



Хабарингиз борми?

ТЕХНОГЕН ҲОДИСАЛАР

Мутахасссларнинг айтишларича, аксарият ҳолларда зилзилалар сув омборларида жуда улкан миқдорда сув заҳиралари тўплаш ёки уни ҳайдаш қудуғига оқизиш билан боғлиқ ҳолда юзага келаркан. Масалан, Италияда 1963 йили рўй берган Вайтон зилзиласи, Ҳиндистонда 1967 йили юз берган Кайна зилзиласи, Американинг Денвер штатида оқова сувларнинг ҳайдаш қудуғига жўнатилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган 700 дан ортиқ сезиларли ерости силкинишлари шулар жумласидандир.

Республикамиз ҳудудидаги сув омборлари, селхоналар ва сел йўлларининг сел оқимларини қабул қилиш, сув тошқинларини талафотсиз ўтказиб юборишга тайёргарлик ҳолати текширилди. Тоғли ҳудудлардаги қор заҳираларини ва баланд тоғли кўллarning ҳолатини баҳолаш ҳамда қор кўчкиси ва сел хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш мақсадида 4 марта аэровизуал кузатув ишлари амалга оширилди. Дарё қирғоқлари ҳамда гидротехник иншоотларни мустаҳкамлаш мақсадида 1771,7 минг м³ тупроқ, 93088 минг м³ тош ва 12985 минг м³ бетон ишлари бажарилди. 1160,7 погон километр магистрал каналлар, орик ва зовурларнинг ўзанлари тозаланди.

3

Йиғин

Ёшлар фаол

иштирок этишмоқда



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Бухоро вилоятининг Вобкент ва Когон туманлари чекка ҳудудларида ҳамда Навоий вилоятининг Кармана тумани ва Учқудуқ шаҳарида Президентимизнинг ўтган йил ноябрь ойида ўтказилган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

ТАДБИРЛАР давомида 2011 йилнинг 21 январь кuni давлатимиз раҳбарининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузаси мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг шахсий фикрлаш қобилиятини юксалтириш, талабаларнинг билим олиш жараёнида янада такомиллаштириш, ёшларни тўғри касбга йўналтириш, ёш кадрларни иш билан таъминлаш борасида Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Учрашуларда Президентимизнинг 2011 йил 7 февраль кuni тасдиқланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда унинг асосида қабул қилинган Давлат дастури моҳияти юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган бешта лойиҳа юзасидан маълумотлар берилиб, ана шу лойиҳаларнинг бири бўлган “Ёш ҳуқуқшунослар” республика кўрик-танлови юзасидан тайёрланган махсус фильм ёшлар ҳуқуқига ҳавола этилди.

Тарғибот гуруҳининг ушбу йўналишдаги навбатдаги тадбирлари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларида ўтказилиши таъкидланди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Маърифат соати

Кўппартиявийлик шароитида

қарашлар, манфаатлар ва
мақсадлар муштараклиги

— ОММОВИЙ ахборот воситаларида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар фаолияти ҳақида доимий чиқишлар қилинмоқда. Улардан бирига аъзо бўлиш истогидан. Сиёсий партия тушунчаси ва мазмуни ҳақида ҳуқуқий тушунтириш берсангиз.

Б.РУСТАМОВА,
Бухоро вилояти

— БУГУНГИ КУНДА сиёсий партияларнинг тутган ўрни ҳамда роли, уларнинг фаолигини оширишга қаратилган конституциявий асослар амал қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунда сиёсий партия тушунчаси қуйидагича ёритилган: “Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўйбга чиқаришга интилуви ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи қўнғилил бирлашмасидир”. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, ўз уставлари асосида амалга оширадилар.

Сиёсий партиялар бошқа жамоат бирлашмаларига нисбатан жамият ва давлат бошқарувида ўта муҳим ва алоҳида рол ўйнайди. Улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Жамиятда сиёсий фаоллиқни оширишда сиёсий партиялар ўз дастурлари билан чиқар эҳанлар, уни амалга ошириш учун ўзаро рақобатлашадилар ва курашадилар. Партиялар сиёсий жараённинг барча босқичларида: сайловларда, давлат органлари (қонунчилик, ижро ва суд)ни шакллантиришда, давлат миқёсида ва сийсатта оид қарорлар қабул қилишда ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этадилар.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, белгиланган ҳолларда баъзи шахслар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар. Масалан, судьялар; прокурорлар ва прокуратура терговчилари; ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари; ҳарбий хизматчилар; хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шулар жумласидандир.

Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Партия ташкилотларининг тадбирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблаг ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчилар ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажарётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши мумкин эмас.

Ҳар бир сиёсий партия аҳолининг манфаатларини ифода этишга, мамлакат тараққиёти билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратишга интилади.

Хуршид УМАРОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими




Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган Концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида биз қарийб 20 йил олдин бошлаган жараёни давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади, деб ишонаман.

ОАВнинг иқтисодий асослари

A black and white portrait of a young man with dark hair, wearing a suit and a striped tie. He is sitting at a desk, looking towards the camera with a slight smile. On the desk in front of him is a typewriter and some papers. The background is a plain, light-colored wall.

Жўрабек МУРОТОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун
ҳужжатлари
мониторинги институти
етакчи илмий ходими



Президентимизнинг қўшма мажлисдаги маърузасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасида

Фуқароларнинг билим савияси ва ижро этиш масъулиятининг ошиши, тегишли ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурунинг ишлаб чиқишлиши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-

ҳаракатининг ҳуқуқий тарғиботида фаоллигини ошириш чораларини кўриш керак. **Саккизи-чинчидан**, ҳуқуқий таълим ва маърифатга ҳамда ҳуқуқий билимлар тарғиботи учун масъул бўлган мансабдор ва масъул шахсларнинг тасдиқланган режа ва дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш зарур деган фикраамиз.

Мамлакатимизда сайлов мига оид кўплаб қонунлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги, "Халқ депутатлари вилояти, туман ва шаҳар кенгаши сайлов тўғрисида"ги "Фуқаролар сайлов қонунининг қафолатлари

в тизини
қўжат-
он Рес-
и, "Ўз-
Пре-
сида"-
ило-
гашла-
да"ги,
қулла-
ғиси-

нашлатиши
ди. Айниқса,
казилаётган
лари халқро
роф этилган
ни таъмин
екистон Рес
уцияси ва
и ҳуқуқлари
цияси", "Хо
и ҳуқуқлари
ия. "Фкпаро
и

қулақларда. Интер-
койлаштириш та-
н нормани кири-
илгари сурди.
ризки, ушбу ама-
он Республика-
сайловы тўғри-
нинг 7-моддаси-
иб, амалиётда са-
иб келинмоқда.
бери томондан
иғини ривожлан-
мишларга

ний дастур учун овоз
ониятини яратди. Шу
а жамиятимизда учраб
овоз бериш арафаси-
суистеъмолликлар-
нбузилиш ҳолатлари-
и олишга имкон яра-
верса, сайлов тўғри-
унчилиқ моддалари-
боғланиши, комплекс-
да уйғунлигини таъ-
измат қилди.

ва уларнинг кафолатлари

да"ги, "Ўзбекистон Республи-

Мамлакатимизда сайлов тизими оид қўллаб қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайлов тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"

Таъкидлаш жоизки, ушбу
лиёт **“Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловы тўғрисида”**ги Қонуннинг 7-модда да мавжуд бўлиб, амалиётда марали қўлланиб келинмо Давлатимиз раҳбари томонидан сайлов қончилигини риоя

қандай сиёсий дастур
бериб имкониятини яр
билан бирга жамиятимиз
турадиган овоз бериш
даги баъзи суниёт
ни ва қонунбузилиш
нинг олдини олишга и
тади. Қолаверса, сай
сидаги қонунчилик м
нинг ўзаро боғланиши,
лиги ҳамда уйғунли
минлашга хизмат қил

мун овоз
гади. Шу
да учраб
арафаси-
лликлар-
латлари-
кон яра-
в тўғри-
далари-
омплекс-
ини таъ-

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати

Сўнгги йилларда "Нодав-
лат нотижорат ташкилот-
лари фаолиятининг кафо-
латлари тўғрисида"ги,
"Жамоат фондлари тўғри-
сида"ги, "Хомийлик тўғ-

Эндикда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд давлат нотижорат ташкилотлари фаолият юрятипти. Бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Маҳаллалар сони эса 10 мингдан ортиқчи ташкил этди. Бу эса ўз навбатида давлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларининг ролини янада қучайтириши, амалга ошириладиган ислохотлар-

Давлатимиз раҳбари "Маиллатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизминини яратиш мақсадида, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақдирини илгарти сурди. Мазкур Қонун лойиҳасида маҳаллани аниқ йў-

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан давлат назоратининг бир қатор шакллари мавжуд бўлиб, улар маъмурий назорат, прокурор назорати, парламент назорати ва суд назорати кабиларга ажратилади. Бирок, фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бorgan сари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини

Музаффаржон
МАМАСИДДИКОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун
ҳужжатлари
мониторинги институти
гуруҳ раҳбари, юридик
фанлари доктори

амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиб бораверади. Зеро, давлат ҳокимияти ва

Шу ўринда жамоатчилик назорати деганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик назорати, **биринчидан**, фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил

этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қўнунларнинг самарали ишлашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уни химоя қилишга даъват қилади, давлат тузилмаларининг барча даврларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулияти ошади. **Иккинчидан**, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларини ихтиёрий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортдади. Бу ўз навбатида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада самарали кечишини таъминлайди. **Учинчидан**, жамоатчиликнинг ишончи ва қўлбал-қувватлаши орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларини янада самарали ташкил этиш имконияти яратилади. Жамоатчиликнинг қўлбал-қувватлашини ҳис қилган ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда изчил ислохотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлилар.

Адлия тизими: Нотариат ва ФХДё фаолияти

Ҳужжатлар таржимаси

нотариал тартибда қандай тасдиқланади?

МАЪЛУМКИ, давлатимиз ҳорижий мамлакатлар билан барча соҳаларда мустақкам, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ҳозир дунёнинг илгирлаётган давлатига саёҳатга бориш мумкин. Фарзандларимизнинг эса чет эллардаги нуфузли таълим даргоҳларида тақсил олаётганликлари бугунги кунда ҳайратланарли ҳодиса эмас. Ҳукуматимиз томонидан имзоланаётган шартномаларга асосан юртдошларимиз ҳорижда, айни пайда ҳорижлик ҳамкорларимиз бизнинг ватанимизда ўқиб-ишлаб фаолият юритмоқдалар.

БУГУНГИ кунда қонуний йўллар билан четга чиқиш, зарур ҳужжатларни юбориш жараёнида тегишли ҳужжатларни таржима қилиш, тасдиқлаш учун нотариус хизматига эҳтиёж туғилади. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 68-моддасига мувофиқ нотариус, башарти, у тегишли тилларни билса, таржимани шаҳодатлайди. Агар нотариус ҳужжат ёзилган тилни ёки таржима қилиниши лозим бўлган тилни билмаса, таржима таржимасис — таржимон томонидан қилиниши мумкин. Аммо бундай ҳолатда таржимоннинг эмас, балки таржима қилинган матндаги таржимон имзосининг ҳақиқийлиги шаҳодатланади. Бунда нотариус таржимоннинг ҳамда ҳужжатни таржима қилишга берган шахсининг шахсини аниқлайди. Таржима қилишга берилган ҳужжатлар тасдиқлаш учун бериладиган ҳужжатларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бўлиши зарур.

Ҳужжат тўлалигича, жумладан, ундаги мавжуд муҳр ва штамплар ҳам қўшиб таржима қилинади. Одатда таржима алоҳида варақча қилинади ҳамда ҳужжатнинг аслига тиркаб қўйилади, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

Манфаатдор шахс, айниқса, мижоз ҳорижлик бўлса, бирор-бир нотариал ҳаракатни, масалан, васыятномани тасдиқлаш, имзонинг ҳақиқийлигини, ҳужжат нусхасининг тўғрилигини шаҳодатлашни сўраб мурожаат этганда ушбу ҳужжатни бошқа тилга таржима қилиниши илтимос қилидиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Бундай вазиятда таржима асл нусхаси билан битта варақча, ҳар икки матн ёзма-ён ҳолда тек чиқиб билан ажратилган битта бетга жойлаштирилади. Бунда матнлар шундай тартибда: матнинг асли саҳифанинг чап томонида, таржимаси ўнг томонида жойлашган бўлиши керак. Ҳужжатнинг матни

тўлиқ таржима қилинади. Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви ҳар икки матннинг асли ва таржимаси ўртасига жойлаштирилади. Таржима таржимон томонидан имзоланиши шарт. Тасдиқловчи ёзувда нотариал ҳаракат амалга оширилганлиги ва таржимоннинг шахсан имзоси билан шаҳодатлангани кўрсатилади. Бир тилдан бошқа тилга қилинган таржиманинг тўғрилигини ёки таржимоннинг имзосини тасдиқлаш учун тегишли давлат божини ўндирилади.

Баъзан таржимоннинг масъулиятсизлиги оқибатида талаб даражасида таржима қилинмаган ҳужжатлар тегишли ташкилотлар томонидан қайтариладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Бунда айрим фуқароларимиз нотариусни айбдор, деб биладилар. Ваҳоланки, нотариус матнининг таржимасига эмас, балки юқорида айтганимиздек таржимон имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Энг муҳими, фуқароларимиз ҳужжатларини тажрибали, тегишли лицензияга эга бўлган таржимонга таржима қилдирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Дилором РАСУЛОВА,
Фаргона шаҳар
1-сон давлат нотариал
идораси нотариуси

Сабок

Никоҳ ва мажбурият

инсон ҳаётидаги ўзгаришнинг инъикоси

НИКОҲНИНГ расмийлаштирилиши иккала томон учун ҳам оила мажбуриятларини пайдо қилади, бир қанча ҳуқуқий асослар юзасига келади. Бинобарин, икки ёшнинг янги оила қуриб яшаш оғир ҳаётдаги жиддий ўзгаришдир, бунга бефарқ қараш, яъни никоҳни ўз вақтида расмийлаштирсан бир оила бўлиб яшашнинг турли оқибатлари жиддий муаммоларни юзасига келтириши ҳаётда кузатиладиган ҳолатдир.

БАЪЗАН ой-куни ақинлашиб қолган ёки чақалоқ кўтарган келиннинг зарурат юзасидан етаклаб келган қайноларга ўли билан келинини никоҳдан ўтказиш ҳақида айтишди. «Яшаб кетишадими, фарзандли бўлишсин, никоҳ бир гап бўлар» деб бунга шошилишмаганини изоҳлайдилар.

Шу боис ёшларга шаръий никоҳнинг ҳуқуқий кучга эга эканлигини тушуниришга доим ҳаракат қиламиз. Айтайлик, қонуний тан олинган фарзанд ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Оила кодексининг 90-моддасида «Вояга етмаган бола» ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ пенсия, нафақа

унинг отаси ёки онаси тасарруфда бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланаши керак», деб белгиланган.

Бундан ташқари, вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳада, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида ортирган мол-мулки уларнинг ҳусусий мулки ҳисобланади. Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган отадан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйругига асосан алимент ўндирилиши ҳам қонунларимизда белгиланган бўлибди. Мазкур ҳуқуқий ҳолатлар белгиланган тартибда қонуний никоҳ асосида ёки оталик белгиланган фарзандларга таал-

луқли бўлиб, ёлғиз онадан туғилган болаларнинг бу ҳуқуқлардан фойдалана олмаслиги боланинг келажақда моддий жиҳатдан кам таъминланган бўлишига, айрим ҳолларда маънавий жиҳатдан ўзини камситилгандек ҳис қилишига ҳам сабаб бўлиб қолади.

Расмий никоҳга лоқайд қараш ҳолатларини келтириб чиқарадиган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, тўйдан олдин бу масалада кўпроқ қизларимиз, аёлларимиз, келин тарафининг жиддий эътибор-лиғи муҳим аҳамият касб этишини қайд этиш лозим. Расмий никоҳдан ўтиб яшаётган оилаларнинг шаръий никоҳ билан чекланган яшаётган оилаларга нисбатан мустақкам ва ишончли эканлини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Шунини айтиш кераки, никоҳ тўйдан олдин расмийлаштирилган оилаларда иккала тарафининг ҳам умумий манфаатлари таъминланади ва келажақда ҳуқуқий муаммолар келиб чиқишининг олди олинади.

Шарофат ИЛИЕВА,
Термиз шаҳар ФХДё
бўлими мудири

Имконият

Нотариуслар ҳимояси кучайтирилади

МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ тизимни, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириб бориш доимий вазифалардан бири ҳисобланади.

ЭНДИЛИКДА нотариал қаракатларни амалга оширишда нотариус ёрдамчиси ва стажёри ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун «Нотариат тўғрисида»ги Қонунга нотариус ёрдамчиси ва стажёрининг мақоми, унинг ваколатларини белгилаб берадиган алоҳида модда киритилди.

Нотариус лавозимига таъинлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш, шунингдек, малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун 11 кишидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси тузилиши, унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди судьялари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатура вакиллари кириши, Олий малака комиссиясининг шахсий таркиби Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Бундан ташқари, нотариуснинг фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқлари кенгайтирилди. Жумладан, «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига қўшимча киритилиб, унга асосан нотариусга давлат органлари, қороналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал қаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар номидан тегишли давлат органларига мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, ҳужжатларнинг чет элда амал қилиши учун маъмур органлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни олган ҳолда ҳужжатларни легаллаштириш учун мурожаат қилиш каби қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Нотариусларнинг билими ва савиясини ошириш мақсадида «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига ўзгариш киритилиб, нотариуснинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда беш йилда камида бир

марта ўз касбий малакасини ошириши белгиланди.

Шунингдек, давлат томонидан нотариусларнинг ҳимояси ҳам кучайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 197-модда киритилиб, унга асосан нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, шу жумладан, нотариусга нотариал қаракатларни амалга ошириши учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаганини учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Хулоса қилиб шунини айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси инсонийлик тамойилларига асосланган бўлиб, бу демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг янада такомиллаштиришга, унинг мавқеи янада ошишига, фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларни юзасига чиқишига хизмат қилади.

Мақсуда НАВРЎЗОВА,
Бухоро тумани
давлат нотариал
идораси нотариуси

Мувозанат бузилгач...

Техноген ҳодисалар



ёҳуд инсониятнинг билиб-билмай қилган хатоликлари ва уларнинг оқибатлари хусусида

ГАЗЕТАНИНГ олдинги сонида чоп этилган биринчи мақоламизда таъкидланганидек, сув тўғонлари ҳам техноген ҳалокатлар юз бериши мумкин бўлган хавфли зона туркумига киради. Айнан инсон томонидан бунёд қилинган гидроиншоотлар кишилик жаҳиятига улкан фалокатлар келтирганига тарих гувоҳ. Бундай фалокатлар сирасига 2009 йил 17 августда Россиянинг Саяно-Шушенск гидроиншоотида рўй берган фожияни киритиш мумкин. Уни бунёд этиш чоғида кун келиб фалокат майдонига айланмиши мумкинлиги ҳисобга олинмаган. Бу каби қайғули оқибатларга олиб келган, техноген вазиятларни юзасига келтирган бунёдкорликлар замирида кенг қамровли, ҳар томонлама илмий-назарий ва амалий текширув ишлари ўтказилмаганини, экспертлар хулосалари олинмаганлигини қўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида фалокатлар эҳтимолини янада оширади.

2004 йили Хитойда сув тошқини натижасида «Далунтань» электростанцияси дамбаси бузилганини, 2005 йили Покистоннинг «Шакидор» ГЭСи тўғони (150 метр баландликка эга) бузилиб, кўпгина кишлоқларни сув босгани, 2007 йили Хитойда юз берган тошқин пайтида Чу дарёсида қурилаётган «Қалат» ГЭСи тўғони бузилиб, 5 мингдан ортиқ уй-жой сув остида қолганини ҳам мисол тариқасида санаб ўтишимиз мумкин.

Инсоннинг техноген фаолияти ернинг тектоник ҳаракатларини кучайтирган ва зилзилага сабаб бўлган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. 2009 йилнинг 18 февралда «Мир новостей» газетасида айнан шу гапни тасдиқловчи хабар босилганди. Унда қайд этилишича, Хитой ва АҚШ олимлари 2008 йилда 80 мингдан ортиқ кишининг ҳаётидан кўз юмиши ва бедарак йўқолишига олиб келган Сичуань ҳудудида юз берган дахшатли зилзила 4 йил муқаддам барпо этилган сув омбори тўғонли юзасига келганлигини кўрсатувичи далиллар топишган.

Аниқланишича, зилзила юз беришига тектоник ёриққа боғлиқ иншоотлардан 320 миллион тонна сувдан иборат ортиқча оғирлик сабаб бўлган. Шуниси ачинарлики, тўғон қурилиши эдигина бошланган 2001 йилда геологик эксперти Ли Юкэй Хитой раҳбариятини улар йирик зилзила хавфига етарлича ёлғиз бермаётганликларида оғоҳлантирган бўлишига қарамай, тўғон барпо этилган.

Мутахассисларнинг айтишларича, аксарият ҳолларда зилзилалар сув омборларидан жуда улкан миқдорда сув захиралари тўшлаш ёки уни ҳайдаш қудуғига оқизиб билан боғлиқ ҳолда юзасига келаркан. Масалан, Италияда 1963 йили рўй берган Вайтон зилзиласи, Хиндистонда 1967 йили юз берган Кайна зилзиласи, Американинг Денвер штатида оқава сувларининг ҳайдаш қудуғига жўнатилиши билан боғлиқ ҳолда юзасига келган 700 дан ортиқ севилари ероти силкинишлари шулар жумласидандир.

«Гап келганда дўстингни-да аяма», деган ибора бор халқимизда. Шундай экан, Тожикистонда бунёд этилаётган Роғун ГЭСи ҳусусида ҳам бир оз тўхталиб ўтсак.

Авалло, шунини таъкидлаш жоизки, Роғун ГЭСи тўғони сейсмик фаол ҳудудда бунёд этилаётгани келгусида юз бериши мумкин бўлган фалокатлар миқдорини янада ортириши мумкин. Бу борада нафақат Ўзбекистон мутахассислари, балки ҳорижий экспертлар ҳам ўз фикрларини баён этмоқдалар. География фанлари доктори, профессор Лапас Алмекеновнинг фикрича, Роғун ГЭСи тўғони доимий фаол сейсмик жой бўлган тектоник синиқ чизигида жойлашган. Бу ерда геологик қидирув ишлари ўтган асрнинг 1968-1978 йилларида ўтказилган. Таркиби ва ҳажми бўйича бу қидирувлар етарли бўлмаган. Ер усти геофизик ишлар материаллари деярли йўқ. Сейсмик хавф ва тўғон бузилиши хавфини баҳолаш ҳозирги замон талаблари даражасида бажарилмаган. Бу фикрни геология-минерология фанлари доктори Баҳодир Сиддиқов ҳам тасдиқлайди. Унинг таъкидича, Роғун ГЭСи қурилиши йирик сув иншоотлари тоифасига киради (маълумотларга кўра, тўғоннинг баландлиги 347 метрга етказилади. 13,3 куб километр ҳажм-

да сув сигими эга). Бу жиҳат қурилиш лойиҳасини тузишда ва сейсмик хавфсизлиқни аниқлашда етарлича ҳисобга олинмаган. Шунингдек, Вахш воҳаси бутун ҳудудининг блоклар силжиши қамрови баъзи жойларда 1000 ва ундан кўпроқ метрни ташкил этувчи «ҳаракатдаги» тектоник ёриқлар билан тўлиб-тошиб ётганлиги ҳам эътиборга олинмаган.

Ҳориқлик эксперти, АҚШ Миллий муҳофаа университетининг Якин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази профессори Рожер Кангас ҳам «Мени кўпроқ хавфсизлик масалалари, сейсмик ҳудудда қурилаётган тўғоннинг сифати таъминланганлиги» дея «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида алоҳида таъкидлаш бажиз эмас. Ахир, инсоният фақат иқтисодий фойдани кўзлаб, қалта ўй билан қилинган ишларнинг оқибати оғир бўлишини ўз ҳаёти миқдорда қўриб-билиб, гувоҳи бўлиб турибди-ку.

«Гидролойиҳа» МЧЖ директори С. Жигарёвнинг яқинда марказий газеталарда ёзилишича, «агар бу ҳудудда Япониядаги каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса (жорий йилнинг 11 мартда юз берган фожия назарда тутилмоқда — муаллиф), баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга қўқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг қучли ва қатта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжибди ва ўпирилиш юз беради. Бу эса дахшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.

Баландлиги 10 метр келадиган цунами Японияда қандай вайронагарчиликларга сабаб

